



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 5 ” mart

Қ-135 -son

Termiz sh.

**Шеробод тумани Таллашқон массиви
худудидан “SHEROBOD BOG’LARI
TOMORQA XIZMATI” МЧЖга
“Анорзор” барпо этиш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари бошчилигида Сурхондарё вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларини муҳокама қилиш юзасидан 2019 йил 16 июль куни ўтказилган 7-сонли йиғилиш баёни 33-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 22 февралдаги 05-02/105-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 09 февралдаги 02-05/36-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Шеробод тумани Таллашқон массиви худудидан “SHEROBOD BOG’LARI TOMORQA XIZMATI” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 612, 604 ва 622-дала контурларидаги жами 154,14 гектар, шундан 152,17 гектар суғориладиган экин ер, 0,13 гектар тутзор, 1,49 гектар ариқлар, зовурлар ва каналлар, 0,26 гектар йўллар ва 0,09 гектар бошқа ер майдонлари “Анорзор” барпо этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов